



VATANDOSHLAR

Ижтимоий-оммабоп газета

№ 4, 2025 йил, октябрь

vatandoshlar.uz

[vatandoshlar_fond](https://www.instagram.com/vatandoshlar_fond)

[vatandoshlar_fondi](https://www.facebook.com/vatandoshlar_fondi)

[vatandoshlarfondi](https://www.youtube.com/vatandoshlarfondi)

[@Vatandoshlar](https://www.tiktok.com/@Vatandoshlar)

ВАТАНДОШЛАР ҚАЛБИДА МУСТАҚИЛЛИК ШУКУҲИ



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан “Ватандошлар” жамоат фонди ташаббуси остида хориждаги юртдошлар орасида бир қатор байрам тадбирлари ўтказилди. Тантаналар АҚШ, Россия, Қатар, Туркия ва Озарбайжон давлатларида юксак руҳда, самимий муҳитда нишонланди.

Мазкур тадбирларнинг бош ғояси – Ватандан олисда яшаётган юртдошлар қалбига миллий фахр, ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлаш, уларни Ўзбекистон ҳаёти ва тараққиёти билан узвий боғлаб туришдан иборат бўлди.

Байрам тадбирларида юртимизнинг кўзга кўринган санъаткорлари иштирок этиб, ўзларининг куй-қўшиқлари ҳамда бадиий дастурлари орқали ватандошлар қалбига қувонч ва фахр улашдилар. Ҳар бир саҳнада янграган Ватан мадҳиялари, миллий куйлар ва ўзбекча шукуҳ билан безатилган чиқишлар хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар қалбида чуқур таассурот қолдирди.

Шунингдек, Фонд томонидан ҳар бир давлатдаги тадбир иштирокчилари учун миллий либослар етказиб берилди. Бу либослар нафақат байрамона кайфият бағишлади, балки она юрт нафасини, ўзлимиз ифодасини рамзий тарзда ватандошлар юрагига олиб кирди, десак

муболаға бўлмайди.

Тадбирлар давомида хориждаги ватандошлар Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги ютуқлари, янги ислохотлар жараёнларини диққат билан кузатиб бораётганликларини, Ватан равнақи йўлида ўз ҳиссаларини қўшишга доимо тайёр эканликларини таъкидладилар.

Бу сўзлар улар учун мустақиллик фақат тарихий сана эмас, балки юракдаги фахр, ғурур ва масъулият рамзи эканини кўрсатди.

Ҳар бир давлатда ўтказилган байрам тадбирларида минглаб ватандошлар иштирок этди. Ватандошлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, бир-бирига бўлган эҳтиром ушбу тадбирларда яққол намоён бўлди.

Тадбир якунида “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан хориждаги юртдошларга Ватан билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, маданий-маънавий лойиҳаларни давом эттириш борасида янги режаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Шубҳасиз, Мустақиллик байрами – бу нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки бутун дунё бўйлаб тарқалган ватандошларимиз қалбида мудом ёниб турган сўнмас чироқдир. Бу зиё Ватанни, ўзлигини, илдизини унутмаган минглаб юртдошлар ҳаётини ёритиб туради.



Энг аввало, ҳар бир ватандошимиздан шунини сўрамоқчиман: тилимизни севайлик, асрайлик ва фарзандларимизга соф ҳолда ўргатайлик.

ТИЛ – МИЛЛАТНИНГ РУҲИ, ХАЛҚ ИФТИХОРИ

Чинакам ўзбек дунёнинг қай нуқтасида истиқомат қилмасин, унинг қалби тўрида она тилига бўлган муҳаббат, эъзоз ва фахрланиш мангу қўним топади. Гарчи у ўнлаб тилларда равон гапирса-да, ўз тилида ўй суради, орзу қилади, туш кўради! Шундан маълум бўладики, тил бу оддий борлик эмас,

балки илоҳиёт билан боғлиқ бўлган бетимсол хилқатдир! Бугунги суҳбатдошимиз ҳам хорижда истиқомат қилса-да, ўзбекча фикрлайдиган, она тили учун чин маънодаги жонкуяр, ўзбек тили ўқитувчиси, қозоғистонлик методист Курбантаев Улуғбек билан бўлади.

▼ Davomi 2-betda

СЕН ТУРФА ЖИЛОСАН, АЗИЗ ОНА ТИЛ

21-октябрь – Ўзбек тили байрами муносабати билан “Ватандошлар” жамоат фонди хорижда яшаётган ватандошлар ўртасида “Сен турфа жилосан, азиз она тил” номли танловни ўтказди. Мазкур танловнинг асосий мақсади хориждаги ватандошлар, айниқса, ёш авлод орасида ўзбек тилига муҳаббатни кучайтириш, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳини мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Танлов учта номинация бўйича ўтказилди:

1. Энг ташаббускор ўзбек тили устози;
2. Энг яхши иншо;
3. Энг яхши видеоролик.

“Энг ташаббускор ўзбек тили устози” номинацияси учун хориждаги ўзбек тили ўқитувчилари ўз фаолияти, ташаббускорлик намуналарини, шунингдек, ўзбек тилига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ҳақидаги ишларини тақдим этдилар.

▼ Davomi 2-betda

“САҲНАЛАР ДЎСТЛИГИ” – САНЪАТ ОРҚАЛИ ЮРАКЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ



“Ватандошлар” жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигида Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларида “Саҳналар дўстлиги” лойиҳаси доирасида йирик ижодий сафарлар уюштирилди. Ушбу ижодий сафарлар нафақат санъаткорлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, балки қўшни халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мазкур лойиҳа доирасида Ўзбекистоннинг йирик театр жамоаларидан бири – Муқумий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри ижодкорлари Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги “Бобур” номли театрда

ҳамда Тожикистоннинг Хўжанд шаҳридаги Шукур Бурхонов номидаги театр саҳнасида ўз ижод намуналарини намойиш этдилар. Улар ўзбек театр санъатининг ёрқин намунаси – “Қайтар дунё” спектаклини саҳналаштириб, ватандошлар ва театр ихлосмандлари учун унутилмас кеча ҳада қилдилар.

Спектакл ҳар икки мамлакатда ҳам жуда илиқ кутиб олинди. Томошабинлар орасида нафақат ватандошлар, балки маҳаллий театр мухлислари, маданият вакиллари ҳам бор эди.

▼ Davomi 3-betda

ТИЛ – МИЛЛАТНИНГ РУҲИ, ХАЛҚ ИФТИХОРИ



Улуғбек ака, сиз билан она тилимиз ҳақида, ўз тилимизда гаплашаётганимдан бағоят хурсандман! Хуш кўрдир!

Ташаккур! Навоий сўзлашган тилни менга насиб этган Рабимга шукр дейман!

Хабарингиз бор, ҳар йили 21 октябрда Ўзбекистон бўйлаб тил байрами кенг нишонланади. Бу фақат Ўзбекистон учун эмас, балки бутун ўзбекларга тегишли қувончли байрамдир. Қўшни Қозоғистонда бу кун қандай қарши олинади?

Ҳа, албатта, бу сана биз учун ҳам муҳим. Чунки тил – миллатнинг руҳи, ўзлигининг ёрқин ифодасидир. Ҳар йили 21 октябрь арафасида Қозоғистондаги ўзбек мактабларида, маданият марказларида, кутубхоналарда турли тадбирлар, шеърхонлик кечалари, иншо танловлари ўтказилади. Ўқувчиларимиз ўзбек тилининг гўзаллиги, бойлиги ҳақида чиқишлар қилади. Айниқса, ёшларимизнинг тилга бўлган меҳрини кўриб, фахрланасан киши. Бу байрам бизни Ўзбекистон билан боғлаб турувчи энг мустаҳкам ришталардандир.

Биламизки, Қозоғистондаги ўзбек мактаблари методисти сифатида фаолият юритасиз. Айтишингиз-ча, ҳозирда ўзбек мактабларига эҳтиёж даражаси қандай? Уларнинг сони қанча?

Бугунги кунда Қозоғистоннинг биргина Туркистон вилоятларида 200 дан ортиқ ўзбек мактаблари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари Жамбил, Сарагаш вилоятларида ҳам кўплаб ўзбек мактаблари мавжуд. Мазкурлардан айримлари тўлиқ ўзбек мактаби бўлса, айримлари аралаш, яъни уларда ўзбек ва қозоқ синфлари мавжуд. Эҳтиёж масаласига келсак, ўзбек аҳолиси кўп яшайдиган ҳудудларда мактабларга талаб юқори. Бизнинг вазифамиз – мавжуд мактаблардаги дарс сифатини ошириш, ўқитувчилар малакасини юксалтириш ва дарсликлар билан таъминлашдан иборат.

“Ватандошлар” жамоат фонди хориждаги ватандошлар ҳаёти, уларнинг таълимига кучли эътибор қаратиб келади. Фонд фаолиятига оид сизнинг таклифларингиз борми?

Албатта, “Ватандошлар” жамоат фондининг ишларини кузатиб борамиз. Сўнгги йилларда уларнинг ташаббуси билан Қозоғистондаги ўзбек мактабларига бадиий ва ўқув адабиётлар етказиб берилаётгани жуда катта кўмак. Менимча, бундан буён ҳам ҳамкорликни кенгайтириш зарур. Масалан, ўқитувчилар учун қисқа муддатли онлайн семинарлар, тажриба алмашув дастурларини йўлга қўйиш фойдали бўларди. Шунингдек, ўқувчилар ўртасида ўзбек тили ва адабиёти бўйича халқаро олимпиадалар ташкил этилса, бу уларни янада руҳлантиради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тил масаласида ҳам янги ислохотлар амалга оширилмоқда. Сиз бунга қандай баҳо берасиз?

Биз бу жараёнларни катта мамнуният билан кузатамиз. Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович томонидан ўзбек тилининг нуфузи ва мақомини мустаҳкамлаш, уни халқаро миқёсда тарғиб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар таҳсинга лойиқ. Янги авлод дарсликлари, электрон платформалар, тилшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотлар – буларнинг бари ўзбек тилининг келажаги порлоқ эканини кўрсатади. Бу ислохотлар хориждаги ўзбек жамоалари учун ҳам илҳом манбаи бўлмоқда.

Ниҳоят, тил байрами муносабати билан ватандошларимизга қандай тилак билдирган бўлардингиз?

Энг аввало, ҳар бир ватандошимиздан шуни сўрамоқчиман: тилимизни севайлик, асрайлик ва фарзандларимизга соф ҳолда ўргатайлик. Чунки тил – бу миллат юраги. Қаерда бўлмайлик, ўзбекча сўзлашиш, ўзбекча ўйлаш бизни ягона халқ сифатида бирлаштиради. Байрам барчамизга муборак бўлсин!

Мен ҳам шу фурсатдан фойдаланиб, сизни Ўзбек тили байрами билан самимий қутлайман, келгуси ишларингизга юксак муваффақиятлар тилаб қоламан, сермазмун суҳбат учун ташаккур!



СЕН ТУРФА ЖИЛОСАН, АЗИЗ ОНА ТИЛ

“Энг яхши иншо” номинациясида эса хориждаги ўрта таълим муассасаларида таҳсил олаётган ватандош ўқувчилар ўзбек тилининг гўзаллиги ва аҳамияти ҳақида ёзган иншолари билан иштирок этдилар. Шунингдек, “Энг яхши видеоролик” йўналишида иштирокчилар ўзбек тилидаги шеър, ғазал ёки рубойларни ифодали тарзда ўқиб, замонавий услубда тайёрланган, 2 дақиқагача бўлган видеоларларини тақдим этдилар. Видеороликлар Фонднинг расмий Телеграм каналида жойлаштирилиб, уларнинг энг яхшилари халқ овози орқали аниқланган. Танлов якунида ҳар бир номинация бўйича 3 тадан жами 9 нафар ғолиб аниқланиб, уларга “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ушбу танлов нафақат хориждаги ватандошлар ўртасида ўзбек тилига бўлган меҳр ва эътиборни кучайтирди, балки миллий ўзлиқни англаш, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадамма бўлди.



ОНА ТИЛИМ

Минг йилларким булбул каломи

Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.

Аммо шўрлик тўтининг ҳоли

Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз,

Булбул куйин шеърга соламан.

Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,

Мен ҳам тўти бўлиб қоламан!



*Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири*

“САҲНАЛАР ДЎСТЛИГИ” – САНЪАТ ОРҚАЛИ ЮРАКЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ



Улар саҳнада жонли тарзда намоиш этилган асардан чуқур таассурот олдилар, ўзбек театрининг юксак бадиий савиясига олий баҳо бердилар. Айниқса, саҳна ҳаракати, актёрларнинг табиий ўйини, миллий руҳ ва замонавий маъно уйғунлиги кўпчиликлда катта қизиқиш уйғотди.

Ташриф доирасида санъаткорлар ўртасида ижодий мулоқотлар ҳам ташкил этилди. Ҳар икки мамлакат театр жамоалари ўз тажрибалари, режиссура услублари, актёрлик мактаблари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Тажриба алмашиш мақсадида мастер-класслар, ижодий учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Бу эса икки халқнинг маданий яқинлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, “Саҳналар дўстлиги” лойиҳасининг амалга оширилишида молиявий таъминот “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан амалга оширилди. Фонд ўзининг халқаро маданий ташаббуслари орқали хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларни Ватан маданий ҳаётига янада яқинлаштириш йўлида фаол иш олиб бормоқда.

Мазкур ижодий ташрифларнинг ҳар икки давлатдаги ватандошлар учун аҳамияти беқиёс бўлди. Улар ўз юртининг маданий ҳаёти, театр санъати ютуқларини кўз билан кўриб, қалбан фахр туйдилар. Байрамона кайфият, ўзбекча шуқуҳ, саҳнада янграган Ватанни мадҳ этувчи оҳанглар – буларнинг барчаси ватандошлар юрагида ғурур туйғусини янада оширди.



“Саҳналар дўстлиги” лойиҳаси нафақат санъаткорлар учун, балки бутун халқимиз учун қадрлидир. Чунки бу лойиҳа орқали театр санъати элчиларининг ижоди халқаро миқёсда эътироф топмоқда, ўзбек маданияти чегараларни кенгайтириб, дунё саҳналарига дадил қадам қўймоқда.

“Ватандошлар” жамоат фонди ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ҳамкорликдаги бу ташаббуси санъат орқали халқлар ўртасида дўстлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик каби қадриятларни тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

“Саҳналар дўстлиги” шунчаки лойиҳа эмас, балки у юракларни боғловчи, маданиятлар ўртасидаги кўприқдир.

Жавлон Йўлдошев

“ЭЗГУ АМАЛ” ЛОЙИҲАСИ – ЧИН МАЪНОДАГИ МАЪНАВИЙ КЎПРИҚДИР

Бугунги глобаллашув даврида хориждаги ватандошларимизни юртимиз билан боғлаб турувчи энг муҳим омиллардан бири – бу миллий тил, маданият ва адабиётдир. Шу маънода, “Ватандошлар” жамоат фонди ташаббуси билан амалга ошириляётган “Эзгу амал” лойиҳаси нафақат ижтимоий-маънавий ташаббус, балки миллий ўзликни асрашга хизмат қилувчи эзгу ҳаракат сифатида эътироф этилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида хорижда яшаётган ватандош ижодкорлар томонидан ёзилган бир қанча асарлар чоп этилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. Жумладан, Жамшид

Примовнинг “Ҳайрат суратлари”, Ўктамбек Каримовнинг “Менинг Шавкат Раҳмон акам”, Султонмурод Ҳожибоевнинг “Яхши бола қандай бўлади?”, Эрناзар Рўзиметовнинг “Туркистон фарзандлари”, ҳамда Солиҳа Олимованинг “Қалб тугёни” номли асарлари нашр этилди.

Мазкур китобларда инсоний фазилатлар, муҳаббат, эзгулик, Ватанни севиш, халқ қадри ва миллий ғурур сингари мавзулар ўзига хос бадиий услубда ёритилган. Ҳар бир ижодкор ўз ҳаётий тажрибаси, мушоҳадалари ва юрт соғинчини сўз санъатига сингдира олган, дейиш мумкин.

▼ Davomi 4-betda



▲ Davomi 4-betda

“ЭЗГУ АМАЛ” ЛОЙИХАСИ – ЧИН МАЪНОДАГИ МАЪНАВИЙ КЎПРИКДИР

Жамшид Примовнинг “Ҳайрат суратлари” асари инсон тафаккурининг гўзаллиги, ҳаётнинг турфа ранглари бадий талқин этиш орқали ўқувчини ўз-ўзини англашга ундайди.

Ўктамбек Каримов эса “Менинг Шавкат Раҳмон акам” асарида машҳур шоир Шавкат Раҳмон шахсияти орқали ижодкор ва инсон табиатининг нозик жиҳатларини очиб беради, адабий меросга ҳурмат ва эҳтиром руҳини тараннум этади.

Султонмурод Ҳожибоевнинг “Яхши бола қандай бўлади” асари эса ёшлар тарбиясига бағишланиб, оила ва жамиятдаги меҳр-оқибат, одоб ва масъулият мавзуларини ёритади.

Эрназар Рўзиметовнинг “Туркистон фарзандлари” китоби тарихий хотира, миллат бирлиги ва Ватанга муҳаббат туйғулари билан йўғрилган бўлиб, ўзликни англаш руҳида ёзилган.

Солиҳа Олимованинг “Қалб туғени” тўпламида эса инсон қалбининг

мураккаб кечинмалари, муҳаббат ва садоқат, ҳаёт синовлари поетик тарзда ифода этилган.

“Эзгу амал” лойиҳаси нафақат хориждаги ижодкор ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг асарларини кенг ўқувчи оmmasига етказиш орқали уларни маънавий рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Шу орқали фонд ватандошлар орасида миллий ғоя, Ватанга садоқат, ўзбек адабий сўзининг қудратини тарғиб этиш йўлида муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Мазкур ташаббус орқали “Ватандошлар” жамоат фонди юрт ташқарисида яшаётган ижодкорларимиз билан мустақкам алоқа ўрнатиб, уларнинг асарларини босма нашрлар орқали халқимизга етказмоқда. Бу эса дунёнинг турли бурчакларида яшаётган ватандошларимизни бирлаштирувчи маънавий кўприк бўлиб хизмат қилмоқда.

“ЎЗБЕКИСТОНЛИКМИЗ” – ОНА ТИЛ ВА МИЛЛИЙ ҒУРУР САРИ ҚАДАМ

O'tkazish



O'zbekistonlikmiz

Mazkur loyiha dunyoning turli mamlakatlarida yashayotgan vatandoshlarning farzandlari o'zbek tilini o'rganishlari, qadriyatlar va urf-odatlar bilan yaqindan tanishishlari, o'zbek tilida muloqot madaniyatlarini shakllantirishga mo'ljallangan. Mashg'ulotlarda faqat ro'yxatdan o'tgan vatandoshlar foydalanishlari mumkin. Ushbu ilova orqali Siz o'zbek tilining A1 darajasini o'rganishingiz mumkin. Darslar 8 ta modulda 24 ta mashg'ulotlar orqali o'rgatiladi.

Boshlash

балки ўзбек тилини тарғиб этувчи, дунёнинг турли бурчакларида яшаётган ватандошларимизни бирлаштирувчи маънавий кўприк сифатида эътироф этилмоқда.

Илова фойдаланувчиларга ўзбек тилини интерактив, осон ва қизиқарли шаклда ўрганиш имконини беради. Дастурда турли ёш тоифаларига мўлжалланган машқлар, ўйин услубидаги топшириқлар, товушли дарслар, луғатлар ва тест тизимлари жой олган. Айниқса, ёш авлод учун бу илова айни муддао – у нафақат ўқитади, балки ўзбек тилига, миллий қадриятларга меҳр ҳам уйғотади.

Илова босқичма-босқич тизим асосида тузилган бўлиб, ҳар бир фойдаланувчи дастлабки босқичдан ўтиш учун ундаги барча топшириқларни тўлиқ бажармоғи лозим. Бу эса ўрганиш жараёнини изчил, тизимли ва натижага йўналтирилган ҳолга келтиради. Илова орқали фойдаланувчилар нафақат тил ўрганадилар, балки ўзбек халқининг маданий мероси, миллий таомлари, рақс санъати ва урф-одатлари ҳақида ҳам қимматли маълумотларга эга бўладилар.

“Ўзбекистонликмиз” лойиҳаси хорижда яшовчи ватандошлар, уларнинг фарзандлари, чет элда ўқийётган талабалар ҳамда ўзбек тилига қизиқувчи хорижликлар учун ҳам катта имконият эшигидир. Бугунги кунда минглаб чақирим узоқларда, турли мамлакатларда истиқомат қилаётган юртдошларимиз бу илова орқали она тили жозибаларини сақлаб қолиш, болаларига миллий ўзликни сингдириш, юрт билан боғланиш имконига эга бўлишмоқда.

Шубҳасиз, ўзбек тилининг гўзаллиги, бой луғат хазинаси ва ифода кучи



Бугунги глобллашув ва рақамли тараққиёт асрида дунё тобора “кичрайиб”, инсонлар бир-бири билан масофа танламай мулоқот қиладиган даврга айланди. Бу қулайликлар қаторида бир муҳим масала – миллий тил ва маданиятни асраб-авайлаш зарурати ҳам кучайиб бормоқда. Айниқса, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимиз учун бу масала ҳаётини аҳамият касб этади, десак муболаға бўлмайди.

Шу жиҳатдан, “Ватандошлар” жамоат фонди ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистонликмиз” мобил иловаси нафақат рақамли маҳсулот,

– миллатимизнинг бебаҳо бойлиги. Шу боис “Ватандошлар” жамоат фондининг бу ташаббуси халқаро миқёсда ҳам эътирофга лойиқ. Чунки бу нафақат технологик инновация, балки миллий маънавий асраш ва тарғиб этиш йўлидаги йирик қадамдир.

“Ўзбекистонликмиз” иловаси орқали хорижда яшовчи ҳар бир ватандош ўзини она юрти билан боғлиқ ҳолда ҳис этади. Чунки у орқали нафақат тилни ўрганиш, балки Ватан ҳақидаги хотираларни ёдга олиш, ўзбекона руҳни ҳис этиш, миллий қадриятларга садоқатни мустақкамлаш мумкин.

“Ватандошлар” жамоат фонди бу лойиҳани яратиш орқали юрт ташқарисидаги ҳамюртларимизни бир мақсад атрофида – она тилини асраш ва уни авлодларга етказиш йўлида бирлаштирди. Дарҳақиқат, “Ўзбекистонликмиз” мобил иловаси замонавий технология воситасидаги маънавий уйғониш, ўзликни унутмаган юртдошларнинг юрак сўзларидан иборат қурулмадир.

Муассис:
“Ватандошлар”
жамоат фонди

Ижодий гуруҳ раҳбари:
Одилжон Саттаров

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 20.12.2023 йил № 191084 да рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Абдурауф Зокиров
Дизайнер: Феруз Ҳакимов

Манзилимиз:
100090, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уй